



Effective utilization of artificial intelligence technologies in civil litigation proceedings and its specific aspects

Barno UMAROVA¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2025

Received in revised form

15 September 2025

Accepted 25 September 2025

Available online

15 October 2025

Keywords:

artificial intelligence,
digital court,
fair justice,
civil cases,
environmental damage,
prosecutor's participation.

ABSTRACT

The article analyzes the legal and practical significance of introducing artificial intelligence (AI) technologies in the process of modernizing the judicial and legal system of New Uzbekistan. Within the framework of the “Digital Court” concept, the legal and administrative foundations for the full transition to electronic court proceedings, the expansion of interactive services, the calculation of court costs with the help of AI, and the creation of a judicial documents archive are examined. Special attention is given to the use of AI in civil cases, particularly in land disputes, recovery of environmental damages, cases related to forest and water resources, and cultural heritage. The article highlights the potential of AI for rapid analysis, evidence processing, remote participation, and inter-agency data exchange to improve the quality of justice. At the same time, it emphasizes the need to preserve the human factor, as well as to strengthen ethical standards, confidentiality, and accountability.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss5-pp23-29>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Фуқаролик суд ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларидан унумли фойдаланиш ва унинг айрим жиҳатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

сунъий интеллект,
рақамли суд,
одил судлов,
фуқаролик ишлари,
экологияга зарар,
прокурор иштироки.

Мазкур мақолада янги Ўзбекистон шароитида суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилишда сунъий интеллект (СИ) технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий ва амалий аҳамияти таҳлил қилинади. “Рақамли суд” концепция доирасида суд ишларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, интерактив хизматларни кенгайтириш, суд харажатларини

¹ Candidate of Legal Sciences, Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

СИ ёрдамида ҳисоблаш, суд ҳужжатлари архивини яратиш каби вазифаларнинг ҳуқуқий-маъмурий асослари таҳлил қилиниб, фуқаролик ишларида, айниқса, ерга оид низолар, экологик зарарларни ундириш, ўрмон, сув фонди ва маданий меросга оид ишлар каби тоифаларда СИНинг тезкор таҳлили, далиллар, масофавий иштирок ва идоралараро маълумот алмашинуви орқали одил судлов сифатини оширишдаги имкониятлари ўрганилган. Шу билан бирга, инсон омилини сақлаш, ахлоқий меъёрлар, махфийлик ва жавобгарлик стандартларини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади.

Эффективное использование технологий искусственного интеллекта в гражданском судопроизводстве и его отдельные аспекты

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

искусственный интеллект, цифровой суд, справедливое правосудие, гражданские дела, экологический ущерб, участие прокурора.

В статье анализируется правовое и практическое значение внедрения технологий искусственного интеллекта (ИИ) в процессе модернизации судебной правовой системы нового Узбекистана. В рамках концепции «Цифровой суд» рассматриваются правовые и административные основы перехода к полностью электронному формату ведения судебных дел, расширения интерактивных услуг, расчёта судебных расходов с помощью ИИ, создания архива судебных документов. Особое внимание уделено применению ИИ в гражданских делах, в частности по спорам о земле, взысканию экологического ущерба, делам, связанным с лесным и водным фондом, а также культурным наследием. Подчёркиваются возможности ИИ в ускоренном анализе, обработке доказательств, обеспечении дистанционного участия и межведомственного обмена данными для повышения качества правосудия. Вместе с тем отмечается необходимость сохранения роли человека, укрепления этических норм, стандартов конфиденциальности и ответственности.

Глобаллашув жараёнлари ва технологиялар жадаллик билан ривожланиб бораётган бир вақтда янги Ўзбекистон шароитида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишда, қонуний, асосли ва адолатли суд қарорларини қабул қилишда, айниқса, фуқаролик суд ишларини юритишда давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишда, яъни ерга оид қонунбузилишлар, экологияга етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ ишларда, зарарларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идоралари ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйишда сунъий интеллект (кейинги ўринларда СИ деб юритилади) имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сонли Фармони [1] билан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш тадбирлари баён қилинган. Фармонга кўра, асосан судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек, судларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришнинг келгуси йиллардаги устувор мақсадлари аниқ белгилаб берилди. Унга кўра:

- суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш;

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш, суд ҳужжатларидан нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризанинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш, шунингдек, суд томонидан тақиқланган манба ва контентларнинг электрон реестрини юритиш;

- судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш, шунингдек ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

- Олий суднинг ахборот тизимлари негизида суд ҳужжатлари архиви модулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича “Кибер ҳуқуқ” йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш;

- иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва ягона суд амалиётини шакллантириш;

- “Рақамли суд” концепцияси асосида босқичма-босқич суд мажлиси залларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

Судлар фаолиятида СИдан фойдаланиш, яъни “Рақамли суд” концепциясини 2026–2027 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларида татбиқ этилиши белгиланди.

Шунингдек, 2025 йил якунларига қадар тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида “Рақамли суд” концепцияси асосида иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий низоларни кўришга мўлжалланган суд мажлиси заллари ташкил этилиши қатъий белгилаб берилди.

СИни тўғри қўллаш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, уни амалиётга жорий қилишда муаммоларнинг келиб чиқиши мумкинлигини тахмин қилган ҳолда бу борадаги чет эл амалиёти ўрганилди.

Шу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида СИдан фойдаланиш борасида Хитой тажрибаси ўзининг илғор ва самарадорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Сўнгги ўн йил ичида Хитой судлари бир неча турли онлайн платформаларни ҳам яратди, жумладан, суд қарорларини қидириш ва суд мажлисида масофавий қатнашиш имкониятлари шулар жумласидандир. Бу онлайн платформалар суд жараёнларини соддалаштириб, тарафлар учун ишни кузатиб бориш ва ҳуқуқий хизматлардан фойдаланишда қулай шароит яратишга мўлжалланган. Хитой Халқ Республикасининг прокуратура органлари ҳам ўз фаолиятида СИ технологияларини жадал равишда жорий этишни устувор йўналиш сифатида белгиланган. **“Ақлли прокуратура”** номли стратегик дастур Хитой Олий Халқ прокуратураси томонидан расман ишга туширилган бўлиб, унда 2025 йилга қадар прокуратура фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ва интеллектуаллаштириш мақсади белгилаб қўйилган. Мазкур Дастур доирасида **“қўл меҳнатини машиналар билан алмаштириш, инсон ресурсларини эса сунъий интеллект билан тўлдириш”** орқали қонун устуворлигини таъминлашда мутлақо янги ёндашувларни яратиш назарда тутилган.

Таълим, туризм ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда сунъий интеллект (СИ) кенг қўлланилгандан сўнг, энди Хитойда суд тизимида ҳам бу технологиядан фойдаланиш орқали судьялар иш самарадорлигини ошириш, аҳолига эса ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш имкониятини осонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

2024 йилнинг май ойида Хитой Олий халқ судида бўлиб ўтган матбуот анжуманида СИ асосида ишлайдиган янги суд-ҳуқуқ платформаси намоиш қилинди. Унга кўра, ушбу платформа Хитой кибермакон идорасида расман рўйхатдан ўтказилган. “Халқ Судлари Нашриёти” бош муҳаррири Ю. Маою юқори сифатли суд-ҳуқуқий маълумотлар базаси асосида барпо этилган миллий даражадаги ҳуқуқий СИ инфратузилмаси бўлиб, у 320 миллион дона ҳуқуқий маълумот – суд қарорлари, иш материаллари ва ҳуқуқий фикрлар – жамланган умумий базадан фойдаланади. Ю.Маоюннинг сўзларига кўра, ушбу платформа катта ҳажмдаги маълумотларни бирлаштириб, фойдаланувчи талаби асосида тезкор контент яратиш қобилиятига эга, чунки у ҳуқуқий атамалар ва мантиқий фикрлашни тушуниш хусусиятига эга.

СИ қанчалар ривожланган бўлмасин, ҳуқуқни қўллаш амалиётида инсон ўрнини тўлиқ босолмайди. Хитой прокуратурасида очиқ-ойдин таъкидланишича: “СИ қандай юксак даражага чиқмасин, у адолатни таъминлаш соҳасида инсонни ўрнини алмаштирувчи эмас, фақат адолатни таъминлашда бир восита холос” [2].

Россия Федерацияси Адвокатлар палатаси президенти Юрий Пилипенко юридик хизматлар бозори инсон билан робот ўртасида тақсимланаётгани, қатор ҳуқуқий процесслар аллақачон юристлар иштирокисиз кечаётгани ҳақида фикр юритар экан, унинг фикрича: “Никоҳ бекор қилингани ҳақидаги ҳужжатни олиш учун интернетда бир нечта “дарча”да бланка тўлдириш кифоя қиляпти. Аҳоли билан ишлайдиган кўплаб йирик корпорациялар яқин йилларда аксарият юристларини бўшатиб юборади. Масалан, банклар ипотека кредитларию шартномалар тўлдириш билан шуғулланаётган мутахассислардан воз кечиши аниқ бўлиб қолди. Биз ишимизни роботларга бериб, бекор қолмаслигимиз керак. Акс ҳолда цивилизация сифатида ҳалокатга учраймиз [3].

Фуқаролик процессида СИни қўллаш айрим муаммоларни келтириб чиқариши, махфийлик ва жавобгарлик масалалари, маълумотларни муҳофаза қилиш борасидаги хавф-хатарларни юзага келтириши мумкинлигини эътибордан чиқариш мумкин эмас албатта.

Бу борада М.М. Мамасиддиқовнинг фикрича, “прокуратура органларида СИни қўллаш тажрибаси фойдали натижалар бериши мумкин. Хусусан, иш юритишнинг тезкорлигини таъминлаш орқали ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ошириб, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатга эришиш имкониятларини кенгайтириши мумкин. Бироқ бу борада Хитой тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқий тартибга солиш, ахлоқий тамойиллар ва инсон омилини сақлаш – булар СИ адолат ва ҳақиқат олдида таҳдид эмас, аксинча унга хизмат қиладиган восита бўлиши учун муҳим шартлардан ҳисобланади” [4].

Д.Ю. Ҳабибуллаев эса суд ишларини юритишда сунъий интеллектни жорий этиш муҳим аҳамият касб этиши, сунъий интеллект суд қарорларини чиқаришда учрайдиган хатолар сонини камайтириш орқали суд қарорларининг асослилигини янги даражага олиб чиқишга ва суд иш юкласини енгиллаштиришга хизмат қилиши ҳақида фикрларни илгари суради [5].

Тадқиқотчи Й.Ф. Абдуфаттоев сунъий интеллектни суд ишларини юритишда қўллаш заруриятининг қўйидаги асосий омиллари мавжудлигини кўрсатади. Биринчидан, самарадорликни ошириш имконияти яратилади. Сунъий интеллект жуда катта ҳажмдаги маълумотларни тез фурсатда таҳлил қилиб чиқади. Бу эса суд ишларини ўз вақтида, тезкорлик билан кўриб чиқиш ва ҳужжатларни тайёрлаш жараёнларини жадаллаштиради. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва иш материалларини тез фурсатда топиш ва таҳлил қилиш имконияти орқали суд ишларини кўриш муддатлари қисқаради. Иккинчидан, адолатни таъминлашга кўмаклашилади. Сунъий интеллектнинг имкониятлари инсон омили таъсирини камайтиришга ёрдам беради. Бунинг натижасида, суд қарорлари кўпроқ объектив ва ҳаққоний бўлиши таъминланади. Учинчидан, суднинг иш юритишида мавжуд бўлган маълумотлар ва иш материалларининг аниқлиги таъминланади. Маълумки, суд ишларини юритишда тўғри ва янгиланган маълумотлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Сунъий интеллект алгоритмлари инсонга хос бўлган хатоларни камайтириши мумкин, бу эса суд қарорларини қабул қилишда аниқликни оширади. Тўртинчидан, суд харажатларини камайтиришга имкон беради. Сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали суд жараёнларини иқтисодий жиҳатдан тежамкор бўлишига эришилади. Суд ишларини юритишдаги автоматлаштириш жараёнлари инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжни қисқартириши мумкин, бу эса суд тизими харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Бешинчидан, хавфсизлик ва махфийликни таъминлашга хизмат қиладди. Сунъий интеллект маълумотларни шифрлаш ва ҳимоя қилиш тизимларини такомиллаштириш орқали суд ишлари билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга ёрдам беради [6].

Юқоридагилардан хулоса шуки, амалдаги қонунчиликда экологияни ҳимоя қилиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни ҳимоя қилиш мақсадида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ҳамда адолатлилигини таъминлаш учун бу каби тоифадаги ишларни судларда кўрилишида прокурор иштироки масалаларини қайта кўриб чиқиш, бунда табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларга мўлжалланган ерлар – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерларга оид низолар, сув фонди ерлари – давлат муҳофазасидаги сув объектлари, сув ҳўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратиладиган минтақадаги ерлар бўйича низолар, ўрмон фонди ерлари – ўрмон

билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерларга оид низолар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – моддий маданий мерос объектлари билан боғлиқ ишларда прокурор иштироки мажбурийлигини қонунчиликда аниқ белгилаш ҳамда такомиллаштириш, айниқса табиатга етказилган зарарларни аниқлашда идоралараро маълумотлар алмашинувини интеграция қилиш, суд жараёнларини соддалаштириб, суд мажлисларида масофавий қатнашиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сонли Фармонида асосан сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш, рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш, суд ҳужжатларидан нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризанинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш, шунингдек, суд томонидан тақиқланган манба ва контактларнинг электрон реестрини юритиш, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур техник инфратузилма яратиш, ушбу йўналишда норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш чораларини кўриш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш ҳамда етказилган зарарларни ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўрилишига оид суд амалиёти тўғрисида”ги Олий суд Пленум қарорини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш лозим бўлади.

Суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан тўлиқ воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритишга ўтиш орқали қуйидагиларга эришилади:

- *мурожаатлар судга фақатгина электрон шаклда юборилади;*
 - *суд ишлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон тарзда юритилади;*
 - *тарафларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилади;*
 - *сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланади;*
 - *мазкур концепция асосида суд ишлари тўлиқ электрон шаклда юритилади.*
- Ишларни кўриш рақамлаштирилганлиги сабабли судьялар билан иш бўйича тарафлар ўртасидаги мулоқотга киришишга тўлиқ барҳам берилиб, коррупциявий хавф-хатарларнинг олди олинади, бюрократик тўсиқлар бартараф этилади, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончи ошади, одил судловнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.*

Таҳлиллар давомида ҳозирги кунда Олий суд томонидан қуйидаги жараёнларда сунъий интеллект элементлари қўлланилаётганлигини кўрсатди: – Нутқ-матни (speech to text) дастури ишлаб чиқилди. Бугунги кунда, судларга синов тариқасида жорий этилмоқда; – Ҳуқуқий маслаҳат: фуқароларга сунъий интеллект орқали қонунларга асосланган автоматик жавоблар тақдим этилади; – Ҳужжатларни стандартлаштириш: аризалар, чақирув қоғозлари каби ҳужжатларни автоматик тайёрлаш.

Суд-ҳуқуқ соҳасида рақамлаштиришни ривожлантирган ҳолда Одил судловга эришиш бўйича кейинги қадамлар қуйидагилар: – Синов тариқасида иқтисодий низоларни кўришга мўлжалланган “SM!RT SUD” залини ташкил этиш; – Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича концепция ишлаб чиқиш; – Сунъий интеллект ёрдамида суд харажатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш [7].

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш жараёнида СИ технологияларини жорий этиш нафақат техник ва ташкилий ислоҳот, балки қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда одил судловни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий ва амалий восита сифатида намоён бўлмоқда. СИ имкониятлари – суд жараёнларини тезкорлаштириш, катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш, суд харажатларини қисқартириш ва қарорларнинг объективлиги ҳамда аниқлигини оширишда хизмат қилади. Айниқса, ерга оид низолар, экологияга етказилган зарарларни ундириш, табиат муҳофазасига оид ишлар ва моддий маданий мерос билан боғлиқ ишларда прокурор иштироки жараёнларида ҳам СИ имкониятлари юқори самара беради.

СИ технологияларини суд ишларига жорий этишда инсон омилининг ўрнини сақлаб қолиш ва ахлоқий меъёрларга таянган ҳолда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш лозим.

Умумий қилиб айтганда суд-ҳуқуқ тизимида СИ технологияларини жорий этиш – одил судлов самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг судга ишончини мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади. Бу жараённинг тўғри йўлга қўйилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/7696567>
2. Мамасиддиқов М.М. “Хитой прокуратура органларида сунъий интеллектни жорий этиш: тажриба, муаммо ва чиқариқлар”. “Одил судлов”. Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. 2025 йил 10.04. China launches artificial intelligence platform to boost judicial efficiency // <https://www.chinadaily.com.cn/a/202412/02/WS674di673a310fi265ald0785.html>
3. Юристларнинг ўрнини роботлар эгалламоқда. Бу биз учун ҳалокатлидир // <https://advokatnews.uz/xabar/1513.html>
4. Ўша манба.
5. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш истиқболлари: миллий амалиёт ва хорижий тажриба таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти. <https://old.sud.uz/0811-3/>
6. Абдуфаттоев Й.Ф. Суд ишларини юритишда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг тушунчаси, аҳамияти ва зарурати. // “Суд ишларини юритишда сунъий интеллектни жорий этиш истиқболлари” мавзусида республикаси илмий-амалий конференция материаллари тўплами. // Масъул муҳаррир ю.ф.ф.д., доц. Ш.И.Шайзаков – Т.: Impress media. 2025. 340-341 бетлар.
7. Мадраҳимов К.Р. Суд фаолиятини рақамлаштиришнинг бугунги ҳолати ва сунъий интеллект элементларини жорий этиш истиқболлари. “Суд ишларини юритишда сунъий интеллектни жорий этиш истиқболлари” мавзусида республикаси илмий-амалий конференция материаллари тўплами. // Масъул муҳаррир ю.ф.ф.д., доц. Ш.И.Шайзаков – Т.: Impress media. 2025. 181 б.